

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР МАМЛАКАТИ



ЗАМОНАВИЙЛАШАЁТГАН ҚОЗОГИСТОН МАНА ШУ МАҚОМГА ҲАР ЖИХАТДАН МУНОСИБ

Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев Шымкент шаҳри дагы "Тассай" индустрисал миңтақасыда ўтган маҳаллий маҳсулотлар күргазмасыда мамлакатимизда еркін бозор муносабатларига асосланған ҳуқуқый, иқтисодий, ижтимаулық демократияны давлат барып этиш ва адолатлы фуқаролик жамиятими шакллантариш борасыдан ислохтап изчил давом эттирилаётганин таъкидлади. Тадбиркорларка кенг йўл очиши, кичик бизнес вә хусусий тадбиркорлар ҳимоясини таъминлаш мақсадыда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари, қонунчилек базасини мустаҳкамлашга алоҳида этишиб қаратылмоқда.

— Қозогистон рақобатбардош маҳсулотлар мамлакатига айланышы керак. Шу мақсадда кичик ва ўрта бизнес ривожлантариш, уларнинг фаолиятидаги мұамма вә түсікларни бартараф этиши юзасыдан мажмуда чора-тадбирлар күрілти. Мамлакатда тадбиркорларга муносиб шароит яратыш учун жойларда технопарк вә кичик саноат миңтақалари ташкил этилмоқда, шу жумладан, ҳозирғы кунда 14та маҳсус иқтисодий миңтақа ва 50та индустрисал миңтақа фаолият юритмоқда, — деди Давлат раҳбари.

Президент шу ерда «Оңтүстік» маҳсус иқтисодий миңтақасыда юритаётган «Balabi Textile» корхонасининг түкімачылар саноати маҳсулотлары күргазмасы билан ҳам танишиді.

Корхона маҳсулотлары замонавий технологиялар асосида, ҳалқаро андазаларға мөс қолда ишлаб чықылғылар, алғы пайтада Европа бозорига экспорт қилинмоқда. 2022 йилда маҳсус иқтисодий миңтақада рўйхатдан ўтган корхонага 6,5 миллиард тенге миқдорида сармоялар жалб қилинган. Корхонада йилига 50 миллион жүфт пайлоқ маҳсулотлар ишлаб чықарылмоқда.

Президент тадбиркорлар билан учрашуда саноатни жадал ривожлантариш, маҳаллийластириш даражасында ошириш ва күләмниң көнгайтириш масалаларига алоҳида тұхтанды миңтақада ислохтап, пенсия, ойлик маошпарнан оширилиши, бундайкорлар үз-үзидан бўлмаслиги, уларнинг барчаси бевосита иқтисодиётга бориб тақалишини яна бир карра эслатди.

Ш. ОКТАБРОВА,
«Balabi Textile» корхонасининг
матбуот котиби.

ЛЕГИОНЕРЛАРНИ БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШ ТАҚИҚЛАНАДИ

KAZINFORM. ҚР Президенти легионерларни бюджетдан молиялашни тақиқловчи қонунни имзолади.

Қонун мамлакатнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантариш сиёсатини такомиллаштырыша каратылған.

“Давлат раҳбари “Қозогистон Республикасынин айрим қонун хужжатларига жисмоний тарбия ва спорт масалалари бўйича, шунингдек, ортиқча қонунчилекни тартиба солишнинг олдини олиш борасыда ўзgartыши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қозогистон Республикаси Қонунини имзолади”, дейилади хабарда.

Ваколат орган спортивнинг устувор турларининг республика ва ҳудудий рўйхатини ишлаб чықади, юкори натижаларга эришган спорт турлари рўйхатини ва уларни бюджет маблагларни ҳисобидан молиялаштириш тартибини белгилайди.

Асосий спорт турлари ҳалқаро майдонда эришилган натижаларга қараб белгиланади. Булар Олимпия, Параолимпия, Сурдлимпия, Осиё, ПарОсиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари, шунингдек, миллий спорт турларидир.

Чет эллис легионерларни бюджет ва квазидавлат шўйбаси субъектлари маблагларни ҳисобидан молиялаштириш тақиқланади.

Бундан бўйича бюджет маблагларни факат тўртта ўйналишга сарфланади: спортнинг юкори ютуқлари, жумладан, спортнинг устувор ўйналишлари, давлат жисмоний тарбия ва спорт ташкилларига фаолияти, оммавий спорт, спорт инфраструктурасини ривожлантариш.

Қонун матни матбуотда эълон қилинади.

МАЙ ОЙИДА ҚОЗОГИСТОНЛИКЛАР НЕЧА КУН ДАМ ОЛАДИ

KAZINFORM. 2025 йил май ойида Қозогистонда учта муҳим байрам нишонланади: 1 май – Қозогистон ҳалқлари бирлиги куни, 7 май – Ватан ҳимоячилари куни ва 9 май – Галаба куни.

1 май куни байрам пайшанба кунига тўғри келади, шунинг учун дам олиш кунлари күйидагича бўлади:

1 май дам олиш куни, 2 май иш куни, 3 ва 4 май дам олиш кунлари.

7 ва 9 май дам олиш кунлари – Ватан ҳимоячилари куни ва Галаба куни чоршанба ва жума кунларига тўғри келади:

7 май дам олиш куни, 8 май иш куни, 9, 10 ва 11 май дам олиш кунлари.

Жанубий Қозогистон

japubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 17 апрель, пайшанба, №41 (3542).

» Президент

ҚОЗОГИСТОН – ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИДА



KAZINFORM. Давлат раҳбари тинчликпарварлик милий таркиби ҳарбий хизматчилари билан учраши.

Қасим-Жұмарт Тұқаев Миллий тинчликпарвар күчлар таркибиде мұваффақиятли хизмат қилиб, ҳалқаро хавфсизлікни мустаҳкамлашга катта ҳисса күшганд зорбат аскарлар билан учраши. Президент мамлакат зиммасында қолатылған масылуянятли вазифаны юксак савиядада бажарып келді. Қозогистонға шундай имконият берилганды, миллий армия ўтган йили яна бир тарихий қадам ташлаганин айтды.

— Қозогистон илк бор мустақил равища тинчликпарварлик вазифаларини ўз зиммасыга олди. Голан тепаликларида олиб борилган операция доирасида



тинчликпарвар тадбирлари алоҳида ўрин тутади. Қозогистон тинчликпарвар давлат. Биз дунёда барқарорлик ўрнатишга қартилган барча ташабbusлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан муносабатларимиз бутунлай янги босқичга кўтарилиди. Биз тўлақонли тинчликпарвар күчларга эга давлатлар сафига

кўшилдик. Қозогистон Марказий Осмёда бу борада катта тажриба тўплаган ягона давлатadir, – деди Президент.

Олий Баш қўмандон аскарларни мухим вазифаларни бажаришга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Унга кўра, киска вақт ичиди ҳарбий хизматчиликнинг турли касб-хунарларга ўргатиш, уларни ҳалқаро андалапларга жавоб берадиган барча қороллар билан таъминлаш борасида юқори сифатли ишлар амалга оширилди.

Сунг ҚР Президенти бир гурух тинчликпарвар хизматчиларни давлат мукофотлари билан тақдирлайди.

Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг 2025 йил 14 апрелдаги Қозогистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги ҚАРОРИГА мувофиқ:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Голан тепаликларида тинчликпарварлик вазифаларини амалга оширишда ҳарбий бурчани намунали бажаралник, жасорат ва фидойилик кўргатгани учун қуидагилар мукофотлансан:

Сагадат Нурмагамбетов
номидаги I даражада

«Айбын» ордени билан

Айпов Жигер Муратули – ҚР Мудофаа вазирлиги Тинчликпарвар жаҳаёнлари маркази башкармаси бошлиги;

Бауржан Мұмишупу
номидаги II даражада

«Айбын» ордени билан

Аппазов Суҳраб Тўхтижоаули – ҚР Мудофаа вазирлиги Тинчликпарварлик тадбирлари маркази катта зобит-мураббий;

Камен Бауржан Қасимули – ҚР Мудофаа вазирлигининг 58012-сонли ҳарбий қисм мұхандислик батальони штаб бошлиги;

Қасимов Мақсат Сейилханули – ҚР Мудофаа вазирлиги 99230-сонли ҳарбий қисм зобити.

Мукофотларгандарнинг тўлиқ рўйхатини akorda.kz сайтида ўқий оласис.

» 18 апрель – Ҳалқаро ёдгорликлар ва тарихий қадамжоларни асраш куни

Битилмаган достонларимиз бисёр

Бутун дунёда ҳар йили 18 апрель – Ҳалқаро ёдгорликлар ва диккатга сазовор жойлар куни “Тарихий ватанимизни асраймиз” шиори остида нишонланади.

Жаҳон мероси куни сифатида ҳам танилган бу кун 1982 йили ЮНЕСКОнинг ёдгорликлар ва диккатга сазовор жойларни муҳофаза қилиш ҳалқаро кенгашы (ICOMOS – International Council on Monuments and Sites) томонидан таъсис этилган.

Маданий меросни асраб-авайлаш нафакат тарихни сақлаб қолиши, балки, бутун дунёдан минглаб сайёхларни жалоб этадиган ноёб сайёхникини шакллантариш имконини беради.

Маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича асосий ҳужжат 1972 йилда ЮНЕСКО Баш сессиясида қабул

килинган ва 1975 йил декабрда кучга кирган “Жаҳон маданий ва табиии меросини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенциядир. Конвенцияга аъзо давлатлар ўз худудига маданий, табиии меросини муҳофаза қилиш, сақлаш ва келажак авлодга етказишни таъминлаши шарт.

Бугунги кунда мамлакатимизда маддий ва немоддий маданий мерос иншоотлари муҳофазаси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда). ▶

Она тупроқ –
одамзод бешиги,
тарих эса унинг
қўшиғи.

М. САФАРОВ.



АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ҮРТАЧА ТЕЗЛИК НАЗОРАТДА

KAZINFORM. Назорат бир неча участкаларда амалга оширилади:

Астана – Шучинск (тезлик соатига 140 чақирим);

Астана – Павлодар (тезлик соатига 140 чақирим);

Шимкент – Қизилурда (тезлик соатига 110 чақирим);

Шимкент – Тароз (тезлик соатига 110 чақирим);

Павлодар – Семей – Қалбатау (тезлик соатига 100-

110 чақирим);

Урал – Россия чегараси (Саратов) (тезлик соатига 100 чақирим);

Павлодар – Россия чегараси (Омск) (тезлик соатига 100-110 чақирим).



МАЙ ОЙИДА ҚОЗОГИСТОНЛИКЛАР НЕЧА КУН ДАМ ОЛАДИ

KAZINFORM. 2025 йил май ойида Қозогистонда учта муҳим байрам нишонланади: 1 май – Қозогистон ҳалқлари бирлиги куни, 7 май – Ватан ҳимоячилари куни ва 9 май – Галаба куни.

1 май куни байрам пайшанба кунига тўғри келади, шунинг учун дам олиш кунлари күйидагича бўлади:

1 май дам олиш куни, 2 май иш куни, 3 ва 4 май дам олиш кунлари.

7 ва 9 май дам олиш кунлари – Ватан ҳимоячилари куни ва Галаба куни чоршанба ва жума кунларига тўғри келади:

7 май дам олиш куни, 8 май иш куни, 9, 10 ва 11 май дам олиш кунлари.

“МЕҲНАТ КУБОГИ” СПАРТАКИАДАСИ БОШЛАНДИ

Туркистон шаҳрида техник ва касб-хунар муассасалари талабалари ўртасида “Меҳнат кубоги” спартакиадаси ўтди.

Бу йилги танловда Қозоғистоннинг 20 вилоятидаги коллежлардан икки мингга яқин ўқувчи иштирок этди. “Туркистон Аренаси” ўйнингхода утган мусобақанинг очилиш маросимида ҚР Маориф вазири Фани Бейсембаев вилюят ҳокими Нуралхан Күшеровлар сўзга чиқиб, спортчиларга омад тилдилар.



– Юртошимииз томонидан эълон қилинган “Ишчи касблари йили” доирасида коллеж ўқувчилари ўртасида ташкил этилган “Меҳнат кубоги” биринчи республика Спартакиадасининг очилиши билан сизларни табриклиман! Республика спартакиадаси юртимизнинг мұқаддас ва тарихий маскани –

Туркистон шаҳрида ўтказилған бекіз эмас. Бу ҳудуд хамжылатки, тамаддун, маданият ва бунёдкорликкінг ёрқин намунасындар. Айни пайтда техник ва касб-хунар таълими тизимини ўзgartирishi борасида запворли ишлар амалга оширилмоқда. 2025 йил 1 сентябрдан эътиборан талабаларни жон бошига молиялаштириш ҳажми 2 баравар отради. Бу коллежларнинг мөддий-техникик базасини яхшилаш, педагог кадрлар малакасини ошириш имконини беради. Умид қиласаны, бу-

гунги тадбир нафақат сизларга спорт фойратини бағишлади, балки меҳнатга янгича муносабатни шакллантиради. Барчага омад, сиҳат-саломатик ва улкан зафарлар тилдиман! – деди Фани Бейсембаев вилюят ҳокими Нуралхан Күшеровга “Меҳнат кубоги”ни топшириди.

Вилюят ҳокими Туркистон вилояти ийрик спорт мусобақаларини ўтказишига тайёрлигини таъкидлади.

– Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Кемелули 2025 йилни “Ишчи касблари йили” деб эълон қылди. Шу муносабат билан Туркистонда илк бор “Меҳнат кубоги-2025” Республика спартакиадаси ўтказылмоқда. Вилюятимиз фаол тарақкый этмоқда, техник ва касб-хунар таълими соҳасида кўплаб лойиҳалар мавжуд. 50та коллежда 45 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Бу йил



биз коллежларга 15 000дан зиёд грант ажратмоқдамиз. Биз ўкув дастурларини бозор талабларига мослаштирамиз. 11та янги ишчи мутахассислари бўйича лицензиялар олинади. Туркистон тарихий ўлка. Мамлакат Президенти шаҳарга алоҳида мақом бераби, унга тарақкӣ этиришига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Муқаддас шаҳарда республика спартакиадасининг ўтказилиши улкан тарихий аҳамиятига эга. Чунки туркестонликлар меҳнаткаш халқ, Минтақавий бандик харитаси доирасида вилоятда 130 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Уларнинг 60 фоизи ишчи касблари учун мўлжалланган. Вилоядада янги заводлар, ишлаб чиқариш корхоналари очилмоқда. Ҳурматли спортичлар! Адодатли Қозоғистоннан ҳалол инсонлар яратади. “Меҳнат кубоги” турфайи адопатпарвар, ватанпарвар ёшларни тарбиялашмиз. Танлов натижаларига кўра, энг яхши талабаларга Ҳожа

Ахмад Яссавий номидаги Халқаро қозоғ-турк университетининг таълим грантлари топширилади. Қатор етакчи компаниялар голибларга маҳсус сертификатлар топширади ва уларни ишга кабул қиласади. Умид қиласаны, спартакиада ёшларни янги зафарлар сари руҳлантиради! – деди Нурахан Кўшеров.

Театрлаштирилган саҳналарда Абу Наср ал Форобий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ибраї Алтинсарин, Қажимуқан Мунайтпасов каби мутафаккир ва давлат арбоблари гавдалантирилди. Ватанпарварлик руҳидаги қўшиклиар янгради.

Спартакиада дастуридан баскетбол, кичик футбол, футзал, тўғизумалақ, шахмат, стол тенниси ва волейбол турлари ўрин олган.

Вилюят ҳокими матбуот хизмати маълумотлари асосида.

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПАЁТГАН ЎРТ

«ҚОНУН ВА ИНТИЗОМ»:
ПОЛИЦИЯДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР КУНИ ЎТДИ



Вилюят ички ишлар бошқармасининг мажлислар залида Миллий қурултой йигилишида Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев томонидан илгари сурилган мағкуравий вазифаларнинг асосий йўналишларирига бағишинланган йигилиш ўтди.

Хуқуқтарибот идоралари ходимлари билан учрашиш учун Қозоғистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Малик Үтрабаев ташриф буюруди. У ўз маърузасида “Тарихий онгни тиклаш, маданий меросни тарғиб қилиш, ёш авлод тарбияси асосий масаладир. Шу боис барчамиз мағкуравий тадбирлар, миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш борасида фаолият юритишмиз зарур. Давлат манфаати йўлида меҳнат қилаётган барчага Президентимизномидан миннатдорчиллик билдираман!”, деди.

Тадбирни бошқарма бош-

қимматини ҳимоя қилиш ва ҳар бир шахснинг эркин ҳаёт кечиришини таъминлаш. Шу маънода, ички ишлар органлари мамлакатда жорий этилган қоидаларга талаб даражасида амал қилинишини, давлат стратегияларини ҳимоялашда муҳим ўрин тулади. Сир эмаски, мағкуравий таҳдидлар авж опаётган бугунги даврда қайси соҳа вакили бўлмасин, ҳар бир инсон, аввало, ўз салоҳияти, маънавий дунёкараши, ахлоқий фазилатларни юқсантириб бориши, юзага келаётган турли хатарларга қарши мустаҳкам нуқтаи назар ҳосил қилиши керак”, деди.

Шунингдек, тадбир ниҳоясида вилюят ИМБ томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар ҳақида видео-лавҳа намоиш этилди.

Вилюят ҳокимининг матбуот хизмати.

» 18 апрель – Халқаро ёдгорликлар ва тарихий қадамжоларни асраш куни

(Давоми. Боши 1-бетда).

Турк оламнинг маънавий пойтахти мақомига эга ушбу сана вилюят маркази учун ҳам аҳамиятлайди. Зоро, Қозоғистоннинг жануби минг ийллардан бўён буюк салтанатлар, илгор тамаддунлар макони бўлган.

Буюк Ипак йўлиниң Сирдарё бўйидан ўтган шимолий тармоғи Магриби Машриқ билан, Шимолни Жануб билан боғлаган. Карвонлар Сайрам, Сигноқ, Ўтрор, Туркистонни Хитойдан Европагача, Ҳиндистондан Россиягача мунтазам боғлаб турган. Ўтмишда ийрик мamlакатлар хайёт-мамони бегликовчи шубу мухим шахарлар учун улкан сиёсий курашлар олиб борилгани, охир-оқибатда уларнинг Қозоқ конлигига юксалиши нуқталарига айлангани сир эмас.

Бугунги кунда эса ўтмишдаги буюк силсилаш гувоҳлари – мозайдан қолган обидалар сайдёлар эътиорини тортмоқда. Айниқса, ўрта асрлардан ёдгорлик – Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбараси, қадимий Ўтрор, Қозоқ конлигига кўхна пойтахти – Сигноқ дунёнинг барча мamlакатлари ном қозонган.

Буюк Ипак йўлиниң ғарбий чеккасиндан ўтадиган катта йўл. Сайрам – Исфижобнинг Буюк ипак йўли савдосида жуда қадимдан қатнашиб келгандиги туфайли шу ном берилган. Сайрам тарихий музейидаги турли давлатларнинг танга-пуллари, буюмлари ҳам шубу Буюк Ипак йўли савdosidan дарак беради. Булар ҳақда тара араб олими ал-Муқаддасий китобida тўлиқ мавзумотлар бор. (“Қозоғистон тарихи” 11-том).

Ўтмишда шундай ҳодисалар бўлганди, улар онда-сонда ҳудди юз йилларда бир марта ўзини намоён килдиган думти қолдузлар каби, одамзод кўз ўнгиди ёрқин из қолдириб, учуб ўтади ва ҳамманинг диккёт-эътиорини жалб этади. Ана шундай ёрқин, ибратли ҳодисалардан бири – қадимда ғоят машрут бўлган Буюк ипак йўлидир. Нега уни бугунги авлод эслаб қолди? Бунда буюк ҳикмат бор.

Осиё – Ер куррасидаги энг улкан қитъя. Манноси эса форсийда тегирмон, дегани. Минглаб

Битилмаган достонларимиз бисёр

Умуммиллий рўйхатга киритилган муқаддас қадамжолар

TURKISTAN



Йиллар давомида юзлаб қабилалар, эл-элатлар, ҳалқларнинг беъдад ҳаракати, қуони, хуружи, улар телкилаб, пайҳон килиб ўтган майдон. Ҳамиша ҳаёт гавжум бўлган тарих чорраҳаси. Оқимлар шарқдан ғарбга, ғарбдан жаҳонгирлар, гадолар, руҳонийлар, савдогарлар, зоҳидлар, фозиллар, жаҳонгашта сайдёлар, сиёсатдонлар Савдо-сотиқ асосий важ бўлса-да, айни пайтда элчилар айрибошлиш, турли ҳалқлар маданиятини ўрганиш, ютуқлардан баҳраманд бўлини изга тушди. Буюк Ипак йўли фошт, мураккаб, чигал, тўлғоқли даврларни бошидан кечириди. Башарият яратган энг бебаҳо, бокий анъаналар, бисотлар, мерос умумбашарий аҳамият касб этиди. Ҳалқлар бир-бирини ҳам

тажрибада, ҳам гоялларда, ҳам маданиятларда бойдит. Ипак йўли ҳалқлар, давлатлар орасидаги тинч-тотувлик, яхши қўшиничилик алоқалиризига айланди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, унинг марказида бўлган юртимиз ҳам ана шу қисматга шерик бўлди. Ўрт тупроғи ҳам яхши, ҳам ёмон кўпдан-кўп тарихий воқеалар кечганинг тарбияларига таъминлашади.

Унгут бўлган Ипак йўли бугун яна ҳалқлар тиљида, дилида. ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан асрлар губори, саҳоролар қуми, куйиб кул бўлған шаҳарлар харобалари тагида қолган, асрлар сайқалига, фожиасига шерик, авлодлар кўз ёшлилар билан ювилган, шуур ва армон, қайғу ва саодат ҳикматига бой карон йўллари яна ёдга тушди.

Буюк Ипак йўли қисматига шерик манзиллар осори атикалари ЮНЕСКО рўйхатига олинган. Бу – юрт учун улуг фахрdir.

Аммо фахрлана оламизми? Ўтмиш обидалари, маданият қадриятлари; аждодлар руҳига муносаби ҳурматимиз борлигини кўрсатади. Ҳаҷон бизга қарайди. Уалиб қолмасмикниниз? Ахир, Буюк Ипак йўли соҳиблари, яратувчилари бўлган аждодлар меросхўримиз. Меросга муносабат маданият, мағкура, садоқат, матонат, фидойилик даражасини кўрсатади. Ёдгорликларнинг аянчли аҳволини кўриб, давлат раҳбари Туркистон шаҳрига алоҳида мақом бериш тўғрисида фармойиш берди ва барча туркестонликлар (Туркистон вилояти аҳолиси)га юқсан ишонч билдирилди. Ишонч эса амалдаги иш ва фидойилик билан мустаҳкам, сабит. Мана шу ишончини оқлаш, Туркистоннинг Осиё кўксидаги машъалага айланисига ҳисса кўшиш ҳар биримизидир.

Авазхон АБДУФАТТОХ.

»» Обуначиларимиз орасида

АКАДЕМИК ВОСИТ ВОҲИДОВ НОМЛИ МАКТАБДА

Чоға қишлоғидаги "Жанубий Қозғистон" вилоят газетаси таҳририяти саъиҳаҳарларни билан 2000 йили академик Восит Воҳидов номи берилган, тажрибали директор Тоҳиржон Басанов раҳбарлик қилаётган умумтаълим мактабига қишлоқ ЎЭМБ раиси Одил Мехмонов билан ташриф буюрдик.

Директор ўринбосарлари Жаҳонгир Мирзаев, Диляма Ҳабибулаева, жисмоний тарбия ўқитувчиси Ўтирип Исоқов-



лар билан обуна, мактаб эришган ютуклар ҳақида сұхбатлашадык. Вилоят таълим бошқармаси ташкилотчилигига ўқизинган "Миллий мактаб лигаси мусобакалари" финал боскичида ушбу мактабнинг 7-8- синф ўқувчи кызлари жамоаси Сурхобжон Омонкелдиев етакчилигига фахрли иккинчи ўринин егаллаганлиги мактаб ҳәтидидаги шонли воже. Көлажақда ҳам мұваффақиятлар ёр бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвиirlarda: мактаб директори ўринбосарлари Д. Ҳабибулаева, Ж. Мирзаев, ўқитувчи Ў. Исоқов ва қишлоқ ЎЭМБ раиси О. Мехмонов; вилоят миқёсида зафарга эришган мактаб жамоаси.

Муаллиф тасвиirlари.



ҚОРАЧИҚДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ



Саврон туманиндағы қадим ва нав-қарон Қорачиқ қишлоғида Наврӯз байрамы кенг жамоатчилек иштирокида катта тантана билан нишонланды.

Мактаб ва болалар боғчалари тарбияланувчилари ўз чиқышлари билан байрамга гўзал тароват баҳш этишиди. Маданият уйи ходимлари – Онажон Тўйчиева, Шарифжон Исмоилов, созанды Илмажон Бобохонов ва ёш санъаткорлар

томонидан жонли ижрода қўшиқлар янгради. Кўхна Сайрамдан ташриф буюрган хонандалар – Мухлис ва Чарос дуэти ҳам байрага файз қўшиди.

Мактаб ўқувчилари ўз ижодий ишларини кўргазмада намоиш этишиди. Бир неча қозонда тайёрланган паловхонтуро ва кўжалардан меҳмонларга тарқатилди.

Тадбирда Қорачиқ қишлоғи ҳокими Сакен Ўразбаев, эл оғалари Ҳабибула Азимов, Бобохон Мутоғов, қишлоқ ЎЭМБ

раиси Мирзахон Адҳамов, қишлоқ фахрийлар кенгаши раиси Фурқат Айтметов, Туркистон шаҳар ЎЭМБ раиси Раимжон Кўчкоров ва «Дўстлик» ҳамжамияти вакиллари сўзга чиқиб, байрам билан кутлашди.

Лотерея ўйини, миллӣ спорт турлари – арқон тортиш, тош кўтариш, кўл кураши ва хўзудушириш қизиқарли ўтди. Фолибларга совғалар ва пул мукофотлари топширилди.

Қишлоқ чемпионати сифатида ўтказилган кичик футбол мусобакасида 10ta жамоа иштирок этди. 1-ўринни 1999 йили түгилганлар, 2-ўринни 35 ёшдан ошганлар, 3-ўринни эса 2008 йилда таваллуд топган ёшлар жамоаси кўлга кириди.

200 нафар ҳамқишлоғимизга ўзбекона дўлти тарқатилди. Байрам ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари "Дўстлик" ҳамжамияти ҳамда маҳаллий ҳокимликнинг ташаккурномалари билан тақдирланди.

Наврӯз байрами муборак бўлсин, азиз ҳамюртлар!

Сайд ХАЙРУЛЛОХ.

»» Обуначиларимиз орасида

КЕНТОВ ШАҲРИДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА

2025 йилнинг иккинчи ярмига даврий нашрларга обуна бошланди. 84 ёшли нафақадаги устоз, Кентов шаҳар ЎЭМБнинг фахрий раиси, нашимиз жонкуяри Ҳошим Абдувалиев ҳамроҳлигида тажрибали устоз Мансур Акешов раҳбарлик қилаётган Ўзбекали Жанибеков номидаги кўп соҳали мактаб-гимназисига ташриф буюрдик.

– Ушбу мактаб фаолияти 2001 йил бошланган. Ўша кездаги вилоят ЎЭМБ раиси Икром Ҳошимжонов, вилоят ҳоқимининг ўринбосари Дархан Минбай, вилоят "Жанубий Қозғистон", "Южный Казахстан" газеталари таҳририятлари, мухбир Шомирза Мадалиев ёрдами ҳамда ўзимизнинг изчил саъиҳаҳараларимиз туфайли очилган ушбу мактаб таълим-тарбияда намунали. Холис ёрдам кўрсатганларнинг барчасига самимий ташаккурим, – деди Ҳошим Абдувалиев.

Қўйиллик фаол обуначиларимиз, жорий йили ёзда 50 ёшли қаршилай-диган ишchan директор Мансур Акешов ҳамда тажрибали кутубхоначи Седора Дилмурод қизи сұхбат чоғида мактаб жамоаси одатдагидек почта орқали 80 нусха "Жанубий Қозғистон" обуна-санни ташкил этишини маълум қилди. Барча сұхбатдошларимизга таҳрирят "Ташаккурнома"си тақдим этилди.

Шаҳардаги Алишер Навоий номли 17-сонли мактаб тархи 1971 йилдан бошланади. Буюк адаби А. Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан 1991 йили мактабга унинг номи берилган. Турли йилларда ушбу нуфузли таълим даргоҳига самарали раҳбарлик қилган Собиржон



Бекмуродов, Маъмирхон Мадихоновлар билан ташкил этилган мусоҳабалар газетамиз саҳифаларида узлуксиз чол этилганлиги шонли тарих. 2008 йилдан этиборан ушбу ўқув даргоҳига фаол

обуначимиз, олимлик даражасига эга Султон Орифқон ўғли Тошпӯлатов раҳбарлик қилмоқда. Кутубхона мудириаси Марҳабо Дўсиметова билан бўлмаслаҳат ҳолда директор С. Тошпӯлатов мактаб жамоаси 50 нусха "Жанубий Қозғистон" вилоят газетасига обунани почта орқали расмийлаштиришина маълум қилди.

Таҳририят ташаккурномаларини фаол обуначиларимизга тақдим этидик. Ҳурматли муштариийлар. "Жанубий Қозғистон" оқиб турган маънавият ҳазинаси. Олдимиздан оқаётган сувнинг қадрига етаплик.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвиirlarda: Ҳ. Жанибеков номли мактабда; А. Навоий номли мактабда.

Муаллиф суратга олган.

»» Билимли ва ҳунарли инсон хор бўлмайди

КАСБ ТАНЛАШГА БАГИШЛАНГАН ТАДБИР



Саврон туманинда қарашибершилтуб қишлоғида Дилмира Файзиева раҳбарлик қилаётган Ўзбекали Жанибеков номли умумтаълим мактабида юкори синф ўқувчилари учун касб танлаш мавзуига багишиланган тадбир ўтди.

Тадбирга таклиф этилган турли касб соҳиблари – математика фани устози Дилмира Файзиева муаллимик, журналист Шомирза Мадалиев журналистика, банду тизими бош менеджери Айжан Аширова молия, ҳамшира Собира Баратова тиббёт тизими соҳасининг ўзгачаликлари, сир-асрорлари ҳақида ҳәтийт мисоллар билан тушунириб, ўқувчиларнинг саволларига жавоб берди. Ҳалқимизда



"Булоқ кўрсанг кўзини оч", деган нақл бор. Энг асосийси – касб танлашда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир инсон ўз қизиқиши ва иқтидори имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда иш юритса, нур устига нур.

Тадбирда директор ўринбосари Эргашбай Жўрабой ўғли, ўқитувчи Жаҳонгир Мадихон ўғли иштирок этиб, ўз мулоҳазаларини билдиришиди.

**Феруза АЛИЕВА,
Саида АШИРБЕКОВА,
Ў. Жанибеков номли
мактаб ўқитувчилари.**

Тасвиirlarda: тадбирдан лав-халалар.

**Рўзиоҳун МАДАЛИЕВ
суратга олган.**

»» Обуначиларимиз орасида

Ў. ЖАНИБЕКОВ НОМЛИ МАКТАБДА



Дилмира Файзиева раҳбарлик қилаётган Ўзбекали Жанибеков номли умумтаълим мактабида кутубхона мудириаси Дилхумор Йўлдошева саъиҳаҳаралари билан 40 нусха "Жанубий Қозғистон" вилоят газетасига обуналаштирилди.

Келаси ярим йилликда шу кўрсаткич давом этидиган бўлди. Мактаб маъмурологияни ва кутубхона номидан "Ўлес" вилоят жамоаси ҳамараси раиси Райимжон Кўчкоров номига ўзбек тилидаги янги китоблар таъминоти масаласида битилган илтимосномани соҳибига топширадик.

Унгда таълимни ташаккурномаси тақдим этилди. Дириекторнинг тарбия ишлари бўйича ўринбосари Эргашбай Жўрабой ўғли кўпчиликни қизиқтираётган савол билан мурожаат этидик:

Ўзбек тилида таълим бериладиган умумтаълим мактабларида илгари Тошкентда ўқиган бошланғич синф ва ўзбек тили, адабиётни фани ўқитувчилари нафақага чиқса, уларнинг ўрнига келиб ишлайдиган мутахассислар ҳозир тайёрланадиганлиги? Бу масала қандай ҳал қилинмоқда?

Ўринли савонли Шимкент шаҳридаги Жумабек Ташенов номидаги университетда айнан шу соҳада меҳнат қилаётган мутасадди ҳамюрларимиз номига йўллаб, батафсил жавобини кутамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвиirlarda: директор Д. Файзиева ўринбосари Э. Бобошев ва кутубхоначи Д. Йўлдошева

Муаллиф суратга олган.

»» Ёднома

СУВНОҚНИНГ АСЛ ФАРЗАНДЛАРИДАН ЭДИ

1950 йили 3 марта куни ҳозирги Саврон тумани маркази Сувноқ қишлоғида мавриғатпавар зиёли хонандонида дунёга келган Шарағиддин Абдуғани ўғли Бекеев (тасвиirlarda) мактаби, сўнг, Тошкент политехника институтини томонлади.

Мехнат фаолиятини инженер-технолог сифатида 1972 йили Туркистон шаҳридаги қурилиш кисмлари ва конструциялаш комбинатида усталиқдан бошлаган. Билими, салоҳияти, изланивчанлиги, ташкилий кобилияти билан цех бошлиғи, директор ўринбосари бўйиб ишлади. 1991 йилдан Туркистон шаҳридаги энг ийрик саноат корхонасига раҳбарлик қилди. Самарали меҳнатлари учун хукумат томонидан

кўплаб мукофотлар билан тақдирланди. Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик тўйини ҳалқаро даражада ўтказишига саноат соҳаси раҳбари сифатида улкан хисса қўшган.

Умр йўлдоши Султонбек Қозоқбой кизи билан кобил фарзандлар тарбиялаб, нева-ралар кўрган пири бадавлат оли соҳибига 2009 йили фонийдан бокий дунёга риҳлат қилди. Агар ҳаёт бўлганида жорий йилда 75 ёшга тўлган бўларди.

Туркистон шаҳрининг фаол фуқароси, маданиятимиз, она тилимиз жонкуяри Шарағиддин Абдуғани ўғлининг охирати обод бўлсиган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

>> Дўстлик ришталари

Ўзбекистон Республикаси
нинг "Ватандошлар" жамоат
жамғармаси ташабуси билан
Сайрам туманининг Қорабулоқ
қишлоқ Маданият уйидаги
"Миллий қадриялар – гуруримиз"
мавзууда халқаро
тадбир ўтди.

Ўзбекистондан ташриф
буорган "Ватандошлар" жамоат
жамғармаси аъзолари, таникли
жамоат арбоблари ва санъаткорларни
карнай-сурнай садоллари остида миллий либосдаги
қизлар нон-туз билан қарши
олишди. Тадбир иштирокчилари
дастлаб Маданият уйи
фойесида ташкил этилган миллий
кийим-кечак ва таомлар,
шунингдек, маҳаллий ижодкорларнинг
китоблари кўргазмалари
билан танишдидар.

Шундан сўнг сухандонлар
– 100- ва 101-сонли мактаб
ўқитувчилари Ҳасан Исмоилов
хамда Камола Ҳолмуродовлар
Қозогистон ўзбек этномаданият
бирлашмалари "Дўстлик" хамжамияти
раиси И. Ҳошимжонов, Ўзбекистондаги
Қозок миллий маданият маркази
раиси Серикбай Усенов,
Ўзбекистон Республикасининг
Алмати шаҳридаги Бош консуллуги
консули Эркин Абдукаюмов, жамоат
арбоби, ҚР Парламент Мажлисингин
собиқ депутати Фахриддин Қоратоев,
шунингдек, маҳаллий ижодкорларнинг
китоблари кўргазмалари
билан танишдидар.



Борасида залворли ишлар
амалга оширилмоқда. Бугунги
тадбир ҳам бу борадаги
саъи-харакатларга ҳамоҳангидир.
Бундай учрашувлар халқаримиз
орасидаги қардошлик
ришталарини мустаҳкамлашга
хизмат қиласди.

Жамоат арбоби Ф. Қоратоев
учрашувнинг аҳамиятини
юкори баҳолаб, меҳмонларга
“Эл фарзанди – Ҳалқ ҳофзи”
китобини тақдим этиди. Жўмладан,
у келгусида адабий алоқаларни
жонлантиришга алоҳида
эътибор қаратишни таклиф
қиласди. “Оналар мактаби” жамоат
ташкилоти раисаси Победа
Абдазимова ташриф учун
меҳмонларга миннатдорчилик
билирди. Ўзбекистон Республикасининг
Алмати шаҳридаги Бош консуллуги
консули Эркин Абдукаюмов, жамоат
арбоби, ҚР Парламент Мажлисингин
собиқ депутати Фахриддин Қоратоев,
шунингдек, маҳаллий ижодкорларнинг
китоблари кўргазмалари
билан танишдидар.



Бош консуллуги консули Эркин
Абдукаюмов, жамоат алоқалари
янада юксалиб бораётганини
таъкидлади.